

4-мавзу. Араблар ва Марказий Осиёning бошқа ўрта аср давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар

РЕЖА:



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Араблар Марказий Осиёга бостириб келгач, 651 йилдан бошлаб, соликқа тортиш тизими бирмунча мураккаблашди ва соликларнинг турлари кўпайиб борди.

- ❖ Масалан, хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун солик-закот ижтимоий кескинликни юмшатиш учун мўлжалланган, камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-эҳсон беришда фойдаланилган.





1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Суғдийларнинг асосий қисми *жузя* ва *хирож* тўлашган.
- ❖ *Хирож* ер солиғи бўлиб, “*муқассама*” деб аталган ва кўпинча ялпи маҳсулотнинг 3/1 қисмини ташкил этган.
- ❖ Хирож тўловчи аҳоли қатлами “*ҳаррос*” деб аталганлар.
- ❖ Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларда жамоачилар соликлар, узлуксиз урушлар, талонтарожлардан қийналиб қолиб, йирик ер эгаларидан паноҳ излашга мажбур бўлган.
- ❖ Бу жараёнда жамоачилар ерга ишлаш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда йирик заминдорларга солик тўлаш асосида ўзаро келишиб олишган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солиқ муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Солиқ йиғувчилар “*омил*” деб юритилган.
- ❖ Солиқлар 2 шаклда тўланган:



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

❖ Ушбу даврда соликлар қуидаги шакларда йиғилган:

- вазифа (ўлпон),
- жузя (жон солиғи),
- хирож (ер солиғи)

❖ Хирож солигнинг ундирилиш тартиби 3 хил кўринишда амалга оширилган:


мисаҳча — қатъий белгиланган ставкада;

муқотта — қатъий белгиланган суммада;

муқассама — ҳосилнинг муайян улушида (масалан, ҳосилнинг 1/3 микдори) амалга оширилган.

1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солиқ муносабатларининг ўзгариши.

- Аксарият ҳолларда хирож Наврўз байрами арафасида йиғиб олинган.
- Жузяни мусулмон бўлмаган фуқаролар (озод эркаклар) тўлаганлар.
- Хотин-қизлар, кексалар, воизлар, камбағаллар ва куллар бу солиқни тўлашдан озод қилинган.
- Солиқ микдори шартнома бўйича белгиланган, жузя фуқароларнинг ўзига тўқлик даражасига қараб ундирилган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солиқ муносабатларининг ўзгариши.

- Шунингдек, чорвадорлардан (чорва туёғига қараб “натура”да), ҳунарманд ва савдогарлардан (агар солиққа тортилмайдиган энг кам микдордан ошиб кетган муайян йиллик «даромад мавжуд бўлганида») ҳам алоҳида солиқлар ундирилган.
- Шу билан бир қаторда фойдали қазилмалардан олинган даромад солиқлари ҳамда мажбурий ишлаб бериш — каналлар қазиш ва уларни тозалаш, янги йўллар қуриш ва эскиларини тузатиш, кўприклар қуриш, шаҳар ва қалъа деворларини барпо этиш ва мустаҳкамлаш каби вазифаларни бажариш ҳам солиқлар қаторида турган.
- Марказий Осиёда солиққа тортишнинг арабча тизимини жорий этиб, яъни соддалаштирилган тизимга ўтиб, *ягона солиқ йигишни йўлга кўйган*.

1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

Соликка тортиш тизимига кўра ерлар икки гурухга бўлинган:

Ушр ерлари

арабларга қарашли ерлар

ҳосилнинг $1/10$ қисмидан
солик (муносима) олинган

Хирож ерлари

Қолган бошқа ҳаммаси
хирож ерлари

ҳосилнинг $1/3$ қисмидан
 $1/2$ қисмигача муносима
олинган


1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- Бундан ташқари экин майдонига қараб қатъий тарзда, шунингдек, узумзорлар ва боғлардан белгиланган миқдорларда солик олинган.
- Чорвадорлардан солик асосан мол боши сонига қараб олинган.
- Хунармандлар ва савдо ахли йиллик даромаддан ошган такдирда солик тўлаганлар.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- «Закот» сўзи кейинчалик ҳунармандчилик, савдо ва чорвачилик солиғига нисбатан кўлланиладиган бўлган.
- Бундан ташқари, турли фойдали қазилмалардан кўрилган даромад ва бевосита вориси бўлмаса, меросдан ҳам солик ундириш таомилга айланади.
- Соликнинг яна бир кўриниши «жузя» жон солиғи ҳисобланган. У мусулмон бўлмаган эркаклардан ундирилган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Сулҳ шартномасига биноан бухороликлар ҳар йили арабларга бож-хирож тўлаб тuriш мажбуриятини оладилар.
- ❖ Шу билан бирга, араблар учун ўтин, от-улов учун ем-хашак ва сув ташиб бериш мажбурияти ҳам мавжуд эди.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ ЗАКОТИ-ЧАКАНА (ар. ўзб) - араблар хукмронлиги даврида жорий қилинган, ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда 40 бошдан кам кўйи бўлган фуқаролар закот тўламаган, аммо закоти-чакана, яъни майда закот тўлаши шарт бўлган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солиқ муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ ХИРОЖ (ар.) - араблар ҳукмронлиги даврида жорий қилинган ва ундан кейинги даврларда аҳолининг барча табақалари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ундириладиган энг кенг тарқалган солиқ тури.
- ❖ Мазкур солиқ асосан Шарқ мамлакатлари, хусусан, мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, араблар босқини даврида истило этилган мамлакатларда, исломни қабул қабул килмаган барча тоифадаги мусулмон бўлмаган аҳолидан ундирилган.
- ❖ Кейинчалик у аҳолининг этник, ижтимоий мансублигидан қатъий назар барча учун мажбурий тўлов турига айланган.
- ❖ Солиқ микдори аҳолининг бой-камбағаллигига қараб, ер, мол-мулк микдори ҳамда оила аъзоларининг нуфузига қараб белгиланган.
- ❖ Ундирилган солиқ маҳсус тайинланган солиқ ходимлари томонидан қўйи бошқарув вакиллари, яъни ер-сув жамоаси раислари, қишлоқ оқсоқоллари, диний маҳкамаларининг ҳамда вақф мулклари бошлиқлари гувоҳлигига амир, хон, бек хазинасига туширилган.

1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ ВАҚФ (ар.) - арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши жараёнида давлат ҳукмдорлари томонидан жорий қилинган.
- ❖ ВАҚФНОМА (ар.ф.-т) - вакф ҳужжатлари. Вакф мулкларини вактинча ёки доимий равишда бир шахсдан иккинчи бир шахсга ўтганлигини тасдиқловчи, ихтиёрий берилганлиги ёки васият қилиб қолдирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.




1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Халифалик даврида солик тизимиning қарор топиши ва ривожланиши йирик мутафаккир, конуншунос Абу Юсуф Ёкуб ибн Иброҳим ал Анзорий (731-798) асарларида етарли даражада кенг ёритиб берилган.
- ❖ Бизгача унинг «*Китоб ал-хирож*» асари етиб келган. Дастребки кезларда, юкорида айтиб ўталганидек, давлат хазинасини тўлдирувчи асосий ва ҳар томонлама қулай манба закот бўлган.
- ❖ Кейинчалик закот ўрнини садақа эғаллаб, бу йиғим ночор кишиларга бериладиган ёрдамдан иборат бўлган.




1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Араб ҳукмдори Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий (727—729 йилларда нойиб) қисқа давр ичида иккита бир-бирига қарама-қарши йўл тўтган.
- ❖ У янги мусулмонлардан жузя ва хирож олинмайди деб эълон қилиб, “арабларнинг кучи - исломда”, уни қабул килган кишилар истилочиларга қаршилик кўрсатиши тўхтатади деб ҳисоблаган.
- ❖ Ашраснинг сиёсатига Суғд зодагонлари қаршилик кўрсатишиди, зеро, улар хирождан озод қилиш мавжуд тузум негизларини қўпоради деб билишган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Ҳатто, Гурак хат билан Ашрасга мурожаат қилиб, унинг қарори хирожни бутунлай тугатишга олиб келди, энди солик ундирадиган хеч ким қолмади, деб огоҳлантирган.
- ❖ Хирождан озод этиш хазина тушумларини кескин қисқартириб юборгандан сўнг Ашрас Гуракнинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, “Араб ҳокимиятининг кучи - хирожда” деган шиорни кўтариб чиқсан.
- ❖ У ўз вақтида ал-Жарроҳ таклиф қилган сиёсатга қайтиб, жузядан хатна қилдирган янги мусулмонларгина озод этилади деган гояни олга сурган.



1. Арабларнинг турон ҳудудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солик муносабатларининг ўзгариши.

- ❖ Суғд ва Бухоро аҳолиси бу адолатсизликка нисбатан қаршилик билдириб, қўзғолон кўтаришган.
- ❖ Самарқанд атрофида етти минг кишидан иборат суғдийлар тўпланишиб, итоат этмасликларини намойиш қилишган.
- ❖ Нихоят, олиб борилган номакул солик сиёсати туфайли арабларга қарши қудратли ҳаракат авж олиб, Мовароуннаҳр беш йилдан кейин араблар тасарруфидан халос қилинган.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Босиб олинган мамлакатларда араблар дин тарғиботи йўлида турли солиқлар, мажбуриятлар ва йифимларни жорий этадилар.
- ❖ Кимда-ким ислом динини қабул қиласа, уларни солиқлардан озод этиш тўғрисидаги ҳукмлар ҳам аҳоли эътиборидан четда қолмаган.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Хусусан, маҳаллий аҳоли ислом динига ўтишини тезлаштириш мақсадида араблар ислом динига янги кирган кишиларга турли имтиёзлар берип бошлаганлар, хусусан, уларни асосий солиқларни тўлашдан озод этганлар.
- ❖ Араблар маҳаллий аҳолига нисбатан ҳайриҳохлик сиёсатини юритганлар. Масалан, халифа Умар II (717—720 йилларда ҳукмдор) Хуросон нойиби ал-Жарроҳдан ислом динига кирган кишиларни хирож ва жузядан озод қилишни талаб қилган.
- ❖ Ал-Жарроҳ, расман унга бўйсўнган, лекин янги мусулмонларга қушимча шарт - хатна килдиришни ҳам кўйган.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- Босиб олинган шаҳар ва қишлоқларнинг ислом динини қабул қилмаган барча тоифасидан бирдек жузя (жон солиғи) фақат мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга эркаклардан ундирилган.
- Хотин-қизлар, кексалар, ерсиз, мулксиз тоифа кишилар бундай солиқни тўлашдан озод этилганлар.
- Колган барча тоифадаги аҳоли эса умумий ер солиғи хирож тўлашлари шарт бўлган. Хирож миқдори ҳосилнинг $1/3$ (баъзи манбаларда унинг миқдори $1/5$, $1/10$ эканлиги қайд этилади) қисмига қадар етган эди, баъзан ундан ортиқ бўлган.
- Жузя, хирож ва бошқа солиқлардан ташқари, зироатчи аҳоли гарданида бошқа оғир солиқ турлари ҳам бўлган.

2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- «Жузя» мусулмон бўлмаган эркаклардан ундирилган, унинг ҳажми келишув асосида белгиланган.
- Маст килувчи ичимликлар ва сўйилган ҳайвонлар бундай солиқ тури сифатида қабул қилинмаган.
- Араблар ўз мустамлакачилик мавқеларини мустаҳкамлаб олиш мақсадида солиқ сиёсатидан ислом манфаатлари йўлида кенг фойдаланишга уринганлар. Солиқ тўлашдан ислом динини қабул килган аҳоли озод қилинган.
- Хусусан, араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг хирожни маҳаллий одат бўйича ёзниг ўртасида ҳамда иккинчи ярмида, ғалла пишиб етилганда ва кеч кузда ёки эрта баҳорда йиғиб олганлар. Бу эса айrim ҳолларда халқ ғалаёнларини кўтарилишига сабаб бўлган.




2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ЖУЗЯ - дастлаб Араб халифалигига, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида ғайридин кишилардан олинган солиқ.
- Ўз даврида шариат меъёрларига кўра мусулмон бўлмаган фуқаролар жон солиғи тўлашлари шарт бўлган.
- Албатта, унинг бир қанча шартлари бўлиб, шулардан бири жузя тўловчи жисмоний шахс балоғат ёшига етган бўлиши керак бўлган.
- Қариялар ва аёллар, болалар, қул ва гадойлар жузядан озод қилинган. Жузя асосан пул ва натура тарзида ундирилган.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ЗАКОТ (ар.) - Дастрлаб араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда ахолидан ундирилган диний солиқ сифатида шаклланган, кейинчалик чорва моллари, хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарувчи усталар, савдогарлар ҳамда бошқа тоифадаги мулкдорлардан олинган солиқ, баъзан у амалдорлар ва руҳонийларни таъминлаш учун ҳам ундирилган.
- Ислом динининг беш асосий фарзларидан бири мусулмон бўлган, маълум бойликка эга бўлган, ўз даромадига эга бўлганлар закот беради. Закот микдори пул даромадларининг қирқдан бир улушига teng.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- Мусулмон хуқуқшунослари «закот» тушунчасини «тозалаш» (бегунох мусулмоннинг ўз бойлигидан фойдаланишини закот тўлаш «тозалайди») маъносида талқин этадилар.

- Эҳтиёжманд жамоа аъзолари фойдасига доимий равишда йиғиладиган солиқ сифатида закот хирождан кейин жорий қилинган



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

Кейинчалик Ўрта Осиё жамиятида инсонларга меҳр-муруват, саховат кўрсатиш мақсадида ислом анъаналарига кўра закотни факат балоғат ёшидаги ва тўлашга қодир бўлган мусулмонлар берганлар ҳамда у қуидагича олинган:

экинзорлардан;

узумзорлардан ва хурмо дараҳтидан;


чорвадан;

олтин ва кумушдан;

сотиладиган моллардан ва ҳоказо.

2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- Дәхқончилик маҳсулотларидан олинадиган закот ҳосилнинг ундан бир қисми микдорида ҳосил уриб-йиғиб олинган пайтда олинган бўлса, бошқа турдаги нарсалардан уларнинг қирқдан бири микдорида йил тугагунча олинган.
- Муҳим жиҳати шунда бўлганки, йиғиб олинган закотдан ёрдам олишга ҳеч нарсаси йўқ ноchorлар, камбағаллар, закот йиғиб олувчилар, тақдирланишга арзигулик кишилар (муайян тоифа вакиллари), қарзини тўлашга қодир бўлмаган шахслар, ғозийлар, уйига қайтиб беришга маблағи бўлмаган мусоғирлар ҳақли бўлганлар.




2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Кўпчилик ҳолларда мискин, факир, бева-бечораларга эхсон тариқасида ҳам тарқатилган.
- ❖ Кўпинча дехқончилик маҳсулотларидан олинадиган закот «утр» деб аталиб, одатда қози ихтиёрига эмас, балки хазинага тушган.
- ❖ Шунингдек қазиб олинадиган олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, денгиз маҳсулотлари ва топиб олинган хазиналардан тушадиган закот ҳам давлат хазинасига тушар эди.
- ❖ Кўп ҳолларда закот деганда чорва, пул ва сотиладиган моллардан олинадиган солиқ ҳам тушунилган.


2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Умуман закот ихтиёрий хайрияning бир тури бўлиб, мусулмон банда ўз даромади ёки мулкини бир қисмини Аллоҳ йўлида хайр-эҳсон сифатида сарфлаган.
- ❖ Мусулмон кишиси ўз даврида ўз даромаднинг 1/5 қисмини қашшоқлар, етим-есирлар, ёлғизларга бериб, қолган қисмини ўз эҳтиёжига, сарфлаган.
- ❖ Шу билан бирга, закотдан ташқари гарчанд солик бўлмаса-да, мусулмон давлатларида, хусусан, Мовароуннахрда тарихан закотнинг мазмун-моҳиятига яқин бўлган «садақа» тушунчаси ҳам мавжуд бўлган.



2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий мавқеи, ижтимоий тоифасига кўра «садақа» - (арабча – чин дилдан қилинган эҳсон) хайру-эҳсон тушунчасида ҳам кўлланилган.
- ❖ Садақа бериш исломда имкони бўлган ҳар бир киши учун фарз ҳисобланади.
- ❖ Бирорга садақа бера олишга қурби етмайдиган кишилар садақа олишлари мумкин бўлган, садақанинг қуидаги турлари мавжуд бўлган:
- ❖ Бир марталик хайру-эҳсон кўринишдаги садақа, каффарат, яъни хайрли мақсадларга сарф этиладиган жарима кўринишдаги садақа, ўзига тўқ бўлган мусулмонларнинг даромадларидан йуқсил, мискинлар фойдасига ажратиб бериладиган садақа ва ҳоказо.




2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.

- ❖ Дастреки икки ҳолатда садақа пул, овқат, кийим-кечак, хизмат күрсатиш ва уй-жой билан таъминлаш, карздан ва мажбуриятдан кечиш каби шаклларда бўлган.
- ❖ Учинчи ҳолатда садақа - фақат пул билан бериладиган, у маҳсус солиқчилар томонидан йиғилиб, марказий ёки маҳаллий хазина (байт ул-молга) келиб тушган.
- ❖ Хуқукий ва тарихий хужжатларда садақанинг мажбурий турига закот, хирож, ушр, фитр, каффорат (жарима) кабилар кирган.
- ❖ Ихтиёрий садақалар эса худойи, туйлар, зиёфатлар, хайрия ташкилотларига, жамғармаларга бериладиган моддий ҳаражатлардан иборат бўлган.

3. Сомонийлар давлатида солиқ муносабатлари тизими. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.

- ❖ Сомонийлар даврида (874-999 йиллар) Халифалик солиқлари ўзгаришсиз сақланган бўлиб, улардан мушрифона ва бегар янги турлари жорий этилган.
- ❖ Халифалик давридан фарқли равища солиқларнинг талончилик мазмуни ўзгариб, унинг минтақада марказлашган давлат тизимига айлантирилиши рўй беради.



Сомонийлар давлатида солиқ муносабатлари тизими.

- ❖ Сомонийлар даврида ер эгалигига асосланган ишлаб чыкаш асослари тоборо кучая бошлагач, улардаги мулкий бўлиниш ҳам турли шаклларда бўлиб, олинаётган солиқ турлари ҳам кўпая бошлаганлигини кўриш мумкин.



Сомонийлар давлатида солик муносабатлари тизими.

Мулки султоний

- султонга (амирга) тегишли ерлар. Солиқлар асосида ундан тушадиган даромадлар давлат хазинасига тушган. Бу жуда катта ер-мулкларни, шу жумладан, кўп сонли деҳқонларнинг ер-сув ва бошқа даромад келтирадиган мол-мулклари хиссасига тўғри келган.

Мулк ерлари

- улар хусусий мулк ерлари бўлиб, улар йирик ер эгалари, заминдорларга қарашли бўлган. Улар хиссасига тўғри келадиган солиқлар султон хазинасига тушган

Вакф ерлари

- улар масжид, Мадраса ва бошқа диний муассасалар тасарруфидаги ерлар бўлиб, улардан олинадиган даромадлар диний муассасалар эҳтиёжи учун сарф қилиниши билан бирга, йирик ислом арконлари, зиёли ва уламолар улардан хайрия мақсадларда ҳам фойдаланганлар.

Қуйидаги ер эгалиги турлари бўлган:

Сомонийлар даврида солиқ солиши мақсадларида ерлар асосан икки турга бўлинган:

1. Мулки хирож


- жами солиқ олинадиган ерлар. Аҳолининг аксарият табақалари даромад туридан ва шаклидан қатъи назар, давлатга ер солиғи тўлашлари шарт бўлган. Жумладан, «мулки сultonий» ҳам шу тоифага кирган.
- Аҳоли бундай ерлардан ҳосил микдоридан келиб чиқиб, даромаднинг учдан бирини давлатга солиқ тарзда топширганлар.

2. Солиқ тўлашдан қисман ёки бутунлай озод этилган ерлар.

- Бундай ерлар олий мусулмон рухонийлари, жумладан, авлиё ва пирлар, юкори табака эшонлар, хўжалар ва уларнинг авлодлари ҳамда Пайғамбар авлодларидан бўлган сайидлар мулки ҳисобланган.

Сомонийлар давлатида солик муносабатлари тизими.

- ❖ Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида соликлар асосида шакллантириладиган турли тўловлар билан биргаликда сомонийлар даврида кўплаб давлат мажбуриятлари ҳам мухим аҳамият касб этган.
- ❖ Жумладан, йирик-йирик сув иншоотлари, ариклар, зовур ва каналлар, дамбалар қурилишида кўплаб қишлоқларнинг оддий аҳолиси мажбурий меҳнатга жалб этилган.
- ❖ Бунда улар мажбуриятни бажаришни ўз ҳисобларидан ўтаганлар.
- ❖ Айрим ҳолларда солик олишда аҳолининг ижтимоий мавқеи ҳамда турмуш тарзи ҳам инобатга олинган. Бу айниқса, ilk ўрта асрларда яққол намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин.



Сомонийлар давлатида солик муносабатлари тизими.

- ❖ Исмоил Сомоний айрим мухим лавозимларни мерос қилиб қоладиган тарзида шакллантирар экан, ахолидан солик йиғувчи мушрифлар учун ҳам анчагина имтиёзлар яратган.
- ❖ Айни вактда ер, жон соликларининг миқдори маҳаллий ахоли турмушига, гарданига оғир юк бўлиб тушган.
- ❖ Жумладан Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлиги йилларида дехқонлардан йилига икки марта солик йиғиб олинган.
- ❖ Айрим ҳолларда соликлар бирмунча барвақт, йил бошида ундириб олинган, бу эса ахолининг маҳаллий ҳукмдорларга нисбатан ғазабини кўзғатган.


Сомонийлар давлатида солик муносабатлари тизими.

- ❖ XI асрдан бошлаб, Ўрта Осиёда шартли ерга эгалик «икта» кенг ёйилади.
- ❖ Ер муайян муддатга совға қилиниб, «иктадор» фойдасига маълум бир даромаднинг тўлиқ ёки бир қисми тегадиган бўлди.
- ❖ «Икта» эгалари махсус фармон билан белгиланган тартибдагина деҳқонлардан солик ундира оларди.
- ❖ Соликлар микдори «икта» ер совға қилинганидан аввал қанча бўлса, шунча бўлиши шарт эди.
- ❖ Нафакат ерни, тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўкон ва бошқа нарсалардан тушадиган солик ёки даромадни ҳам «икта» тарзида бериш мумкин бўлган.



Сомонийлар давлатида солиқ муносабатлари тизими.

- ❖ Ўрта Осиёлик хукмдорлар чет эллардан келиб, дехқончилик билан шуғулланувчи катта ер эгалари ва сultonларга ҳам уларнинг хизматларини инобатга олиб иқта инъом этганлар.
- ❖ Демак, ўрта асрларда иқта тизими солиқлар тўлашдан бирмунча ҳимояланган, аммо давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий мақсадларида ва ҳалқ манфаатлари йўлида ўз мол-мулкининг ёки даромадининг бир қисмини сарфловчи тизимнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, унинг давлат хазинасини шакллантиришдаги ўрни катта бўлган.



Сомонийлар давлатида солиқ муносабатлари тизими.

- ❖ Сомонийлар даврида давлат даромадлари ва ҳаражатларини бошқариб турувчи олий молия амалдори, яъни муставфий девони марказий идора тизимида катта ўрин эгаллаган эди.
- ❖ Аввало ҳали шартли ва доимий мулк қилиб берилмаган султон ерлари, яъни давлат майдонлари мавжуд бўлган.
- ❖ Бу ерлар хазинага солиқ тушумлари ва иқта тақсимоти фондининг асосий манбаи хизматини ўтаган.
- ❖ Соликлар давлатларнинг маҳсус шахслари томонидан йиғилиб, улар давлат хазинасига тушган.
- ❖ Бутун сиёсий тизим аввало ғоят улкан ер фонди ҳисобига яшаган, даромадлар тушадиган асосий манба ердан олинадиган даромадлар ҳисобланган.
- ❖ Хусусий ва давлат ерлари хазинага солиқ тушадиган иқта таҳсимот фондининг асосий манбаи бўлган. Бу эса феодал ер эгалиги хукмронлик килган даврнинг ўзига хос тартиби эди.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.

- ❖ Сомонийлар давлатида ҳарбий харажатларнинг ўсиб бориши шоҳ саройида турк гвардияси таъсирини кучайтиради.
- ❖ Давлатда мансаб талашиш, фитна ва хазина талончилиги авж олиши натижасида чуқур инқироз ҳолати вужудга келади.
- ❖ 996-999 йиллар мобайнида чиғил ва ёғмо туркларининг Қорахонийлар сулоласи Мовароуннахрда Сомонийлар ҳукмронлигини тугатиб ҳокимиятни эгаллайдилар.



Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.

- ❖ Қорахонийлар даврида марказлашган деспотик бошқарув ўрнига удел (вилоятларга бўлиб) бошқаруви ва дехқон заминдорлиги ўрнига хонлик иқто ер эгалиги вужудга келади.
- ❖ Иқто мулкчилигига ер муайян муддатга, кўрсатган хизматлари учун совға қилиниб, “Иқтодорлар” фойдасига маълум даромаднинг тўлиқ ёки қисман улуши муктага (иқтодорга) қолдирилган.
- ❖ Муқталар махсус фармон билан белгиланган тартибдагина дехқонлардан солиқ ундира олганлар.
- ❖ Солиқ миқдори ер инъом этилгандан олдин қанча бўлса, ўшанча олинган.
- ❖ Нафақат ер, балки тегирмон, ҳаммом, савдо дўкони ва бошқа мулклардан тушадиган даромадлар ҳам иқто сифатида берилиши мумкин эди.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.

- ❖ Қорахонийлар давлатида солиқлар Сомонийлар давридагидек вазифаларни бажарган бўлсада, бу даврда уларнинг майда ва ўрта ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилганлигини ҳам қайд этиш мумкин бўлади.
- ❖ Қорахонийлар даврида солик тизими учун, шубхасиз, улкан ер ва мулқ захирасининг мавжудлиги, у давлатнинг асосий даромадлар тушадиган манбаи ҳисобланган.



4. Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатида шаклланган солиқлар тизими

- ❖ Ғазнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диққатни жалб этади. У кўп жиҳатдан сомонийлар, қораҳонийлар замонидаги давлат бошқаруви шу жумладан, солик тизимларига яқин ва ўхшаш.



4. Ғазнавийлар давлатида шакланган соликлар тизими

- ❖ Махмуд Ғазнавий даврида (997-1030 йиллар) Хоразм хукумдори Олтинтош вилоят хирожини ўзида икта ҳақи сифатида сақлаб қолиш таклифини бош вазирга юборади.
- ❖ Шунда бош вазир: - “Амир Олтинтошга маълум бўлсинки, у Махмуд Ғазнавий бўла олмайди. Соликларни йиғ, хазинага етказ, ундан сўнг ўз таъминотинг учун сўра. Қул учун шохликда ўз хукумдори билан бир қаторда талаб қўйиш жуда хавфлидир”! – дейди.
- ❖ Низомулмулкнинг ёзишича “Ғазнавийлар икта бермаганлар. Хазинадан йилига харажатлар учун 4 марта маблағ ажратилган. Амирлар соликларни йиғиб хазинага топширганлар. Хазинадан хар З ойда вилоятлар учун маблағ ажратганлар. Улар эса рози ва фаровон эдилар”.



4. Салжуқийлар давлатида шаклланган солиқлар тизими

- ❖ Салжуқийлар даврида айрим шартлар асосида иқтадорлар ўз фойдалари ҳисобига рента йиғиши ҳукуқини оладилар.
- ❖ Шундай бўлсада муқталар (иқтадорлар) ўз фойдалари ҳукуқларини янада кегайтиришга ҳаракат қилганлар.
- ❖ Низомулмулк бу хусусда шундай ёзади “Иқтага эга муқта бўлсинким, ҳалққа нисбатан уларга юкландан солиқни тўғри ва қонуний йўл билан йиғсинлар.
- ❖ Бунда ҳалқ соғлиғи, мулклари, хотин-болалари хавфсизлиги таъминлансан.
- ❖ Уларнинг буюмлари ва ерлари дахлсиз бўлсин ва муқалар ҳалққа нисбатан бошқача йўлларни тутмасинлар”.



4. Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатида шаклланган солиқлар тизими


❖ Тарихимизнинг салжуқийлар, ғазнавийлар, қорахитойлар ва хоразмшоҳлар даврида солиқларнинг сомонийлар хамда қорахонийлар давридаги шаклланган функциялар тизими айрим сулолавий ўзгаришларни истьисно қилганда, деярли аввалгидек давом этган.



Муҳаммад Мурадӣ. Самарқандӣ. Визиты на приеме у Кей-Хосроу. Миниатюра рукописи „Шахнаме“. 1556 г.

4. Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатида шаклланган солиқлар тизими

- ❖ Хоразмшоҳ Такаш ўз фармонларидан бирида раиятга нисбатан адолатли бўлишга, дехқонларнинг манфаатини ҳимояга қилишга, солиқларни олиш жараёнида қонунларга тўлиқ риоя этишга амр қилган.
 - ❖ Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳам уруш натижасида қийин аҳволга тушиб қолган аҳолини солиқлардан озод этган.



Ўрта асрларда Марказий Осиё давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар номлари.

Хирож – ҳосилга солинадиган асосий ер солиғи $\frac{1}{4}$ қисм.

Жузя – жон бошига ғайри динлар тўлайдиган солиқ. Аёллар, кексалар, руҳонийлар ва қуллар бу соликдан озод этилганлар.

Улонлар (вазоиф) – умумхалқ йиллик солиғи.

Закот – туюдан $1/25$, сигирдан $1/30$, от ва қўйдан $1/40$ бош, кумушдан $1/40$ дирхам ($24/119$ грамм), олтиндан $1/20$ мисқол ($2.5/85$ грамм) хазина ва кондан $1/5$ қисм, экинлардан $1/3$ қисм, мевалардан $1/10$ қисм закон олинган.

Бож – ташқи савдодан олинадиган чегара солиғи.

Муқасама – ҳосил чўғига қараб олинадиган солиқ.

Уир – ҳосил ёки чорванинг $1/10$ қисм солиғи.

Улок – ҳукмдорлар учун сара ҳайвонлар етказиб бериш мажбурияти.

Умра – ҳосилнинг $1/10$ қисми натурал солиғи.

Ўрта асрларда Марказий Осиё давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар номлари.

Муаззаф – ер жериб ўлчови ҳисобдан бериладиган солиқ.

Мисаха – экинзор бирлигидан қатъий назар меъёрида олинадиган солиқ.

Мухайир – законни пул тарзида тўлаш.

Муқасим – йиллик ҳосилнинг 3,5/10 қисм солиғи.

Муқомта – қатъий белгиланадиган суммадан олинадиган солиқ.

Кафсани доруга – туман ҳокими фойдасига олинадиган солиқ.

Таноб пули – хирождан ташқари боғ ва полиз майдонлар ўлчовидан олинадиган солиқ.

Чизир пули – суғориш учун олинадиган яrim ушр солиғи.

Харвор – полиз ва боғлардан олинадиган ҳосил солиғи.

Бегар – натурал равишда олинадиган солиқ ва турли меҳнат мажбуриятлари.

Ўрта асрларда Марказий Осиё давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар номлари.

Жарима – жомлар (савдо бекатлари) нитаъминлаш учун олинадиган йиғимлар.

Оваризот – аҳолидан фавқулодда ҳолатларда олинадиган солик.

Моли жиҳот – натура ёки накд пул билан тўланадиган, аммо расмий белгиланмаган кўшимча солик.

Ихроjсод – жогирдорлар (инъом этилган ер эгалари) тўлайдиган солик, сарой харажатларини қоплаш учун йиғилган солиқлар.

Сарииумор – Жузянинг бир тури. Жон солиғи.

Хонаи шумор – ҳар бир уйдан олинадиган жон солиғи.

Кўшиналға – элчилар, амалдорлар чопарларни текинга меҳмон қилиш мажбурияти.

Пешкаш – юқори мартабали амалдорга бериладиган совға учун йиғим.

Тамға – чегарадан олиб ўтиладиган товарлар учун олинадиган солик.

Ўрта асрларда Марказий Осиё давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар номлари.

Нисоб – мол ва маблағларнинг закот бериш даражасига етган микдори.

Танор – ҳарбий юришлар вақтида ахолидан озиқ-овқат шаклида йиғиладиган натурал солиқ тури.

Шилон – ноибларни меҳмон қилиш мақсадида йиғиладиган йиғим.

Ожаз пули – полиз экинларидан олинадиган солиқ.

Алаф пули – хас хашак йиғишидан олинадиган солиқ.

Ғўза пули – пахта ҳосилидан олинадиган солиқ.

Ясок – суғориш иншоотлари, бинолар, йўл қуриш ва қурилиш материаллари йиғиш мажбурияти, бегарнинг бир тури.

Бой пули – бойлардан олинадиган мулк солиғи.

Боне тўлови – чегарадан ўтадиган товарлар қийматидан олинадиган бож солиғи.

Бозор солиги – бозордаги ҳайвонлар савдосидан олинадиган солиқ ва ҳ.к.

Эътиборингиз учун раҳмат!